

1158/2699 - عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: اعْتَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذِي الْقَعْدَةِ، فَأَبَيَ أَهْلُ مَكَّةَ أَنْ يَدْعُوهُ يَدْخُلُ مَكَّةَ، حَتَّىٰ قَاضَاهُمْ عَلَىٰ أَنْ يُقِيمَ إِلَيْهَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ، فَلَمَّا كَتَبُوا الْكِتَابَ كَتَبُوا: هَذَا مَا قَاضَى عَلَيْهِ مُحَمَّدُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالُوا: لَا نُقْرِئُ إِلَيْهَا، فَلَوْ تَعْلَمُ أَنَّكَ رَسُولُ اللَّهِ مَا مَنَعَنَاكَ، لَكِنْ أَنْتَ مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: «أَنَا رَسُولُ اللَّهِ، وَأَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ»، ثُمَّ قَالَ لِعَلِيٍّ: «إِمْرُخْ رَسُولُ اللَّهِ»، قَالَ: لَا وَاللَّهِ لَا أَمْخُوكَ أَبَدًا، فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْكِتَابَ، فَكَتَبَ: هَذَا مَا قَاضَى عَلَيْهِ مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، لَا يَدْخُلُ مَكَّةَ سِلَاحٌ إِلَّا فِي الْقِرَابِ، وَأَنْ لَا يَخْرُجَ مِنْ أَهْلِهَا بِأَحَدٍ إِنْ أَرَادَ أَنْ يَتَّبِعَهُ، وَأَنْ لَا يَمْنَعَ أَحَدًا مِنْ أَصْحَاحِهِ أَرَادَ أَنْ يُقِيمَ إِلَيْهَا. فَلَمَّا دَخَلُوهَا وَمَضَى الْأَجَلُ، أَتَوْا عَلَيْهَا فَقَالُوا: قُلْ لِصَاحِبِكَ: اخْرُجْ عَنَّا فَقَدْ مَضَى الْأَجَلُ، فَخَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَسْعَتْهُمْ ابْنَةُ حَمْزَةَ: يَا عَمِّ يَا عَمِّ، فَتَنَاوَهَا عَلَيْهِ فَأَخَذَ بِيَدِهَا، وَقَالَ لِفَاطِمَةَ عَلَيْهَا السَّلَامُ: دُونِكِ ابْنَةَ عَمِّكِ احْمَلِيهَا، قَالَ: فَاحْتَصِمْ فِيهَا عَلَيْهِ وَزِيدُ وَجَعْفَرُ، فَقَالَ عَلَيْهِ: أَنَا أَحْقُّ إِلَيْهَا، وَهِيَ ابْنَةُ عَمِّي، وَقَالَ جَعْفَرُ: ابْنَةُ عَمِّي وَخَالَتُهَا تَحْتِي، وَقَالَ زَيْدُ: ابْنَةُ أَخِي، فَقَضَى إِلَيْهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِخَاتَنَهَا، وَقَالَ: «الْحَالَةُ بِمَنْزِلَةِ الْأُمِّ»، وَقَالَ لِعَلِيٍّ: «أَنْتَ مِنِّي وَأَنَا مِنْكَ»، وَقَالَ لِجَعْفَرٍ: «أَشْبَهَتْ حَلْقِي وَحُلْقِي». وَقَالَ لِزَيْدٍ: «أَنْتَ أَحُونَا وَمَوْلَانَا».

1158.2699. Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зулқаъдада умра (қилишга ният) қилдилар. Маккаликлар у зотнинг Маккага киришларига кўнишмади. Ниҳоят, у ерда уч кун туришларига келишишди. Шартномани ёзганларида «Бу - Аллоҳнинг Расули Муҳаммад келишгандаридир», деб ёзишди. Шунда улар: «Биз буни тан олмаймиз, агар биз сени Аллоҳнинг Расули деб билганимизда, сени тўсмаган бўлардик. Балки сен Муҳаммад ибн Абдуллоҳсан», дейишди. У зот: «Мен Аллоҳнинг Расулиман ва

**Мұхаммад ибн Абдуллоҳман», дедилар.** Кейин Алийга: «**Аллоҳнинг Расули»ни ўчир**», дедилар. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, мен сизни ҳеч қачон ўчирмайман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шартномани олиб, «Бу - Мұхаммад ибн Абдуллоҳ келишган нарсадир. Маккага бирорта ҳам қурол кирмайди, қинида бўлса, мустасно. Унинг (Макканинг) аҳлидан ўзига эргашишни истаган бирор кишини ҳам олиб чиқмайди. Шунингдек, ўз асҳобларидан у ерда туришни истаган ҳеч бир кишини ман қилмайди», деб ёздирдилар.

У зот у ерга кириб, белгиланган муддат ўтгач, (мушриклар) Алийга келиб: «Соҳибингга айт, еrimиздан чиқиб кетсин, белгиланган муддат тугади», дейишиди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб кетар эканлар, Ҳамзанинг қизи «Амакиҷон! Амакиҷон!» деб, уларга эргашди. Алий уни олиб, қўлидан ушлади ва Фотима алайҳассаломга: «Амакингнинг қизини ушла», деди. (Фотима) уни кўтариб олди. Кейин Алий, Зайд ва Жаъфар унинг (қизнинг) устида тортишиб қолишиди. Алий: «Унга мен ҳақлиман, у амакимнинг қизи», деди. Жаъфар эса: «У амакимнинг қизи, холаси менинг хасмим», деди. Зайд: «У акамнинг қизи», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни холасига беришга ҳукм қилдилар ва **«Хола онанинг ўрнидадир»**, дедилар. Алийга: **«Сен мендансан, мен сенданман»**, дедилар. Жаъфарга: **«Сен менга хилқатда ҳам, хулқда ҳам ўхшайсан»**, дедилар. Зайдга эса: **«Сен бизнинг биродаримиз ва мавломизсан»**, дедилар».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

